

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Турдымамбетова Гулназ Аллабаевна

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби,

магистр тингловчиси,

Иш жойи: Ветеринария медицинаси техникуми

Аннотация: Ушбу мақолада давлат бюджети самарадорлигини оширишда рақамли технологияларни қўллашнинг ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган. Рақамли молиявий платформалар, автоматлаштирилган ҳисобот тизимлари, очиқ бюджет дастурлари, рақамли аудит ва блокчейн технологиялари давлат молиясини бошқаришда шаффофлик, тежамкорлик ва самарадорликни таъминлашда асосий омил сифатида қаралади. Ўзбекистонда молия соҳасининг рақамлашуви, жумладан “Очиқ бюджет”, “Солиқ мобил”, электрон давлат хизматлари ва рақамли аудит тизимларининг жорий этилиши давлат бюджетини бошқариш сифатини янги босқичга кўтаргани таъкидланади.

Калит сўзлар: рақамли технологиялар; давлат бюджети; рақамли аудит; очиқ бюджет; автоматлаштирилган ҳисобот; электрон ҳукумат; бюджет samaradorligi.

Abstract: his article analyzes the role and significance of digital technologies in improving the efficiency of the state budget. Digital financial platforms, automated reporting systems, open budget programs, digital auditing, and blockchain technologies are considered key tools for ensuring transparency, cost-effectiveness, and efficiency in public finance management. The study highlights the digitalization reforms in Uzbekistan—such as the “Open Budget” platform, e-tax systems, e-government services, and digital audit mechanisms—that have strengthened the quality and transparency of budget administration.

Keywords: digital technologies; state budget; digital audit; open budget; automated reporting; e-government; budget efficiency.

Сўнги йилларда давлат молиясини бошқариш тизимида рақамли трансформация жаҳон миқёсида устувор йўналишга айланиб бормоқда. Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг шаффофлиги, уларнинг мақсадли ва манзилли ишлатилиши, ҳисобот жараёнларининг тезкор ва аниқ бўлиши рақамли технологияларни жорий этиш билан чамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасидаги иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг ўсиш суръатлари дунё ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилмоқда. Бу айтилган пайтда илм-фанни ривожлантириш, таълим соҳасини ислоҳ этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар самарасидир. Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида инновация ва интеграцияга асосланган рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлига ўтиш ишлари жадал равишда олиб борилмоқда.

Хусусан, бугунги илмий анжумандан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора тadbирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини 2020 йил «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш» йилида амалга оширишга оид давлат дастурида белгилаб берилган вазифаларда алоҳида белгилаб берилган. Шунингдек, Ўзбекистонда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси қабул қилиниши, молия ва солиқ соҳасида электрон хизматларни кенгайтириш, бюджет жараёнларининг рақамлашуви давлат молиясининг самарали бошқарилиши учун муҳим омилга айланди.

Рақамли тузилмалар бюджетнинг очиклигини ошириб, коррупциявий омилларни камайтиради, ресурслар тақсимотини автоматлаштиради ва давлат хизматларининг сифатини оширади.

Давлат бюджети жараёнларига рақамли технологияларни жорий этиш орқали шаффофлик, тезкорлик ва аниқликка эришиш мумкин бўлмоқда. Электрон ҳисобот тизимлари орқали молиявий маълумотлар реал вақт режимида шаклланиб, давлат органларига даромадлар ва харажатларни мақсадли бошқариш имконини бермоқда. Рақамли механизмлар орқали маблағларнинг сарфланишида инсон омили таъсири камаяди, қўшимча харажатлар қисқаради ва ресурслар тежамкорлиги таъминланади.

Шу билан бирга рақамли аудит тизимлари бюджет харажатларининг асослилигини аниқ текшириш, молиявий хатарларни баҳолаш ва норматив ҳужжатларга мувофиқлигини назорат қилиш имконини беради. Бу эса коррупцион омилларнинг олдини олишга ва давлат маблағларининг самарали режалаштирилишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда молия соҳасини рақамлаштириш йўналишида қатор муҳим қадамлар амалга оширилмоқда. “Очиқ бюджет” портали орқали давлат бюджети тузилиши,

харажатлар самарадорлиги ва аҳоли ташаббускорлиги орқали амалга оширилаётган лойиҳалар тўғрисида очиқ ахборот тақдим этилмоқда. Бу платформа фуқароларнинг бюджет жараёнларидаги иштирокига кенг имконият яратди.

Солиқ тўловларининг рақамлаштирилиши давлат бюджетининг даромад қисмини тўлиқ ва ўз вақтида шакллантиришга хизмат қилмоқда. Электрон солиқ хизматлари орқали солиқлар онлайн тўланмоқда, қарздорлик ҳолати электрон мониторинг қилинади, бу эса юкни енгиллаштириб, даромадларнинг шаффофлигини оширмоқда.

Шунингдек давлат харидларининг рақамлашуви орқали тендер жараёнлари очиқ ва танловли шаклда амалга оширилмоқда. Бу эса бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва ортиқча харажатларни қисқартиришга хизмат қилмоқда.

Рақамли технологиялар давлат бюджети самарадорлигини бир неча йўналишда оширмоқда. Биринчидан, даромадларни йиғиш тизимида аниқлик ва назоратнинг кучайиши бюджет барқарорлигини таъминламоқда. Иккинчидан, харажатларнинг манзиллилиги таъминланиб, маблағлар самарали тарзда йўналтирилмоқда. Учинчидан, коррупция хавфи камайгани учун бюджет маблағларининг тежамкорлиги ошмоқда. Тўртинчидан, фуқаролар иштирокини таъминловчи рақамли платформалар давлат молияси устидан жамоатчилик назоратини кучайтирмоқда.

Натижада рақамли технологиялар давлат бюджети бошқарувини оптималлаштириб, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликка ҳисса қўшмоқда.

Хулоса: Рақамли технологиялар давлат бюджети самарадорлигини оширишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. Ўзбекистонда амалга оширилаётган рақамли ислохотлар бюджет жараёнларини автоматлаштириш, мониторинг тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ва молиявий шаффофликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Рақамли молиявий платформалар, электрон солиқ тизимлари, рақамли аудит ва очиқ бюджет механизмлари давлат бюджети даромад ва харажатларининг самарали бошқарилишига замин яратиб, давлат молиясини ислоҳ қилишнинг янги босқичини шакллантирмоқда.

Шунинг учун келгусида молия соҳасида блокчейн, сунъий интеллект, катта маълумотлар (биг дата) каби технологияларни жорий этиш орқали давлат бюджети самарадорлигини янада ошириш мумкин. Бу давлат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, иқтисодий барқарорлик ва жамоатчилик ишончининг ортасига хизмат қилади.

Референсес

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий ҳисоботлари. ОЕСД Дигитал Говернмент Ревиев, 2023.
2. Ворлд Банк Дигитал Публис Сестор Модернизатион Репорт, 2023. АКТ вазирлиги. “Электрон ҳукумат” тизимига оид ҳисоботлар. Суюнова Д.Д. Рақамли корпоратив бошқарувни жорий этишнинг илғор хориж ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва ижобий томонларини жорий қилиш. Эуропеан ссиенсе интернационал сонференсе: аналісис оф модерн ссиенсе анд инноватион. [хттпс: //есисонф.орг/индекс.пхп/ АМСИ/ артисле/виев /2552/ 2376](https://есисонф.орг/индекс.пхп/ АМСИ/ артисле/виев /2552/ 2376).2025, феврал.
3. Суюнов Д.Х., Қодиров Т.У., Умарова Р.З. Бошқарув этикаси ва корпоратив маданият. Дарслик: Т.: 2025, 475 бет.
4. Суюнов Д.Х., Э.А. Хошимов, Ш.А. Хусаинов Корпоратив бошқарув: муаммолар ва замонавий ечимлар. 2018. 220 бет.
5. Суюнов Д.Х., С.Е. Элмирзайев Корпоратив бошқарув. Дарслик–Тошкент 2022. 450 бет.
6. Суюнов Д.Х., А.Т.Кенжабайев, А.Рўзийев Электрон тижорат. 2023.450 бет.